Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 155 (8145).

16 август сешанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

## АЛОҲИДА-АЛОҲИДА УЧИШМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 август. (ТАСС). 1983 йил 14 августда Москва вақти билан соат 18 дан 04 минут ўтганда биргаликдаги учиш программаси тугаллангандан сўнг «Космос-1443» кемаси «Салют-7» — «Союз Т-9» орбитал комплексидан ажратилди. Уларнинг бир-биридан ажралиши ва олисланишини космонавтлар Владимир Ляхов ва Александр Александров назорат қилиб турдилар.

«Космос-1443» кемаси 1983 йил 10 мартда «Салют-7» станцияси билан туташтирилган эди. Биргаликда учиш вақтида борт системалари, истиқболли космик аппаратлар конструкциясининг агрегатлари ва элементлари синаб кўрилди, катта габаритли комплексларни бошқариш методлари пухталаштирилди. «Космос-1443» кемасининг мотор қурилмаси ёрдамида бошқариладиган комплекснинг ҳаракат траекторияси бир неча бор тўғрилаб олинди. «Космос-1443» кемаси орбитага «Салют-7» станциясининг ишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ва экспериментлар ўтказиш учун зарур бўлган уч тоннага яқин турли юкларни элтиб берди.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Александр Александров етти ҳафтадан бери космосда учиб юрибдилар. Ишлар программасида станцияни бевосита қуршаб турган атмосфера параметрларини «Астра-1» масс-спектрометрик аппаратлардан фойдаланиб тадқиқ этиш, экипажни контрол ва медицина кўригидан ўтказиш, велоэргометрда ва айланувчан йўлкада жисмоний машқлар билан шуғулланиш кўзда тутилган.

Телеметрик ахбороти маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз Т-9» бошқариладиган комплекси ва «Космос-1443» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

# КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув





МОСКВА. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

# ДОИМ САФДАМИЗ!

ПАРТИЯ совет халқини — кашшоф халқни комил ишонч билан ленинча бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан бошлаб бормоқда. Мардона, фидокорона меҳнат, оммавий қаҳрамонлик ва сўнмас ҳарбий жасорат Ленин партиясининг миллионларча содиқ фарзандлари таржимаи ҳолининг муштарак босқичлари бўлиб қолди.

Коммунистлар доим олдинги сафда бордилар, кишиларни ўрнак кўрсатиб, сабот-матонати, принципиаллиги, сахийлиги билан, доим шай бўлиб туриши ва оммага бошчилик қилиши билан, улуғ революцион меҳнат армиясининг оддий жангчилари бўлиши билан ҳамиша илҳомлантириб келдилар. Улар ҳозирги кунда ҳам завод цехларида, колхоз ва совхоз далаларида, конструкторлик бюролари ва илмий лабораторияларда шараф билан меҳнат қилиб, ҳамма жойда ўзининг гражданлик, партиявий бурчини бажаришда юксак намуна кўрсатмоқдалар. Хизматларига яраша муносиб дам олаётган кишилар эса ёшлар билан ишлашни давом эттириб, коммунистик ғояларнинг оташин пропагандистлари бўлиб қолмоқдалар.

**Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, Г. В. Романов, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Н. И. Рижков** ўртоқлар 15 август куни КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашдилар.

Учрашувни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. С. Горбачев** очди:

Ҳурматли ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига биноан шу залда ҳозир бўлган партия ветеранларини, меҳнат ветеранларини табриклашга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси партия Марказий Комитетидаги бугунги учрашувимизни ҳам, совет жамиятидаги турли авлодлар, турли социал группаларнинг вакиллари билан бошқа учрашувларни ҳам Ленин анъаналарини давом эттириш деб ҳисоблайди.

Ўртоқлар! Сизлар совет кишиларининг шундай авлодига мансубсизки, бу авлод зиммасига революция қилиш, мамлакатни харобалар ўрнида тиклаш, социализм пойдеворини қуриш каби энг қийин ва шу билан бирга энг фахрли тарихий вазифа юкланган эди. Сизларнинг кўпингиз урушнинг оловли йўлларидан ўтгансиз.

Бу — оғир пайтлар эди Биз ҳаёт-мамот жангига бордик. Тўйиб ухламаган ва тўйиб овқат емаган пайтлар ҳам бўлган эди. Бутун куч-ғайратни сарфлаб ишлашга тўғри келар эди. Аммо буюк мақсад буюк ғайрат-шижоатни яратди. Советлар мамлакати қаддини ростлаб олди, мустаҳкамланди, чиниқди, қўлга қурол олиб ўзини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Миллионларча тенгқурларингиз каби бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳар бири ҳам босиб ўтилган йўлга — фидокорона меҳнат ва қаҳрамонона зафарлар йўлига ифтихор билан назар солиши мумкин.

Биз сизларни партия Марказий Комитетига иззат-ҳурмат ва миннатдорчилик сўзларини яна бир марта изҳор қилиш учунгина таклиф қилганимиз йўқ, албатта. Партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари бутун совет халқининг буюк тажрибасини мужассамлаштирадилар. Сизларнинг бу тажрибангиз ва билимингиз муштарак ишимизга, ҳозирги пайтда партия ва халқ олдида, совет кишиларининг бутун-бутун авлодлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга янада актив хизмат қилишини истаймиз.

Шу боисдан, ҳурматли Ленин партияси ветеранлари, бугун сизлар билан учрашиб, сизнинг тажрибангиз ва билимингиздан яхшироқ, кўпроқ фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш тўғрисида гаплашиб олишни истаймиз. Бундай мулоқот масалаларни ўртага қўйишни ҳам, танқидий мулоҳазаларни ҳам, камчиликларни таҳлил этишни ҳам кўзда тутади, албатта. Хуллас, партиявийлик билан, ленинчасига самимий гаплашиб олайлик.

Мен суҳбатимизга қисқача кириш сифатида шу гапларни айтишни истадим.

Ўртоқлар, энди ким биринчи бўлиб сўзга чиқади? Кимга сўз бериш керак? Марҳамат.

1915 йилдан бери КПСС аъзоси, Советлар I Бутуниттифоқ съездининг иштирокчиси, партия ветеранларининг Ленинграддаги Октябрь революцияси давлат музейига ёрдам Советининг раиси **В. П. Виноградов** сўз олади. У ўртоқ Ю. В. Андроповга мурожаат қилиб, бундай дейди:

Аввало, партия ветеранларига доим эътибор қилаётганлиги учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига чин кўнгилдан, самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз бугун партиявий раҳбарликнинг ленинча услуби Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюросининг ишларида қандай амалга оширилаётганлигини зўр мамнуният билан ҳис этмоқдамиз. Бу ҳол партиянинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларига, Юрий Владимирович, Сизнинг нутқларингизда баён этилган йўл-йўриқларга мувофиқ кўраётган амалий тадбирларида зўр куч билан намоён бўлди.

Биз, партия ветеранлари партия билан ҳукуматнинг социалистик интизом ва тартибни мустаҳкамлаш борасидаги қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқ д а м и з. Биз ишчи коллективларида меҳнат мактаби ва революцион мактабни ўтганмиз. Шу сабабли биз онгли ижодий ва интизомли меҳнат натижасидагина бутун ноз-неъмат ва бойликларимиз вужудга келишини, халқ фаровонлигига эришилаётганлигини яхши англаймиз. Кўпларимиз улуғ Лениннинг шу ҳақда айтган гапларини эшитганмиз.

(Давоми иккинчи бетда).

# Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг суҳбатимиз, худди кутганимиздек сермазмун, фойдали, айни Сиёсий бюро ҳам умид қилганидек бўлиб чиқди. Бу ерда янграган нутқларнинг учта характерли белгисини алоҳида ажратиб кўрсатгим келади.

Биринчидан, бу — уларнинг активлиги, чуқур партиявий эътиқодлилик руҳидир. Бу — коммунистик идеалларнинг сўнмас қимматига, партия бораётган йўлнинг тўғрилигига эътиқоддир. Боз устига, бизнинг ишончимиз комил бўлган, совет халқи интилаётган жамики яхшиликлар учун курашиш, садоқат билан курашиш кераклигига эътиқод ҳам шу жумлага киради, ўртоқлар. Яқиндагина биз РСДРПнинг Иккинчи съезди саксон йиллигини нишонладик, ўша съездда дунёда биринчи янги типдаги пролетар партияси барпо этилган эди. Ленинчи большевиклар партияси қудратли, енгилмас кучга айланди, унинг зиммасига инсоният тарихида янги давр очишдан, янги коммунистик цивилизацияни қуришга киришишдан иборат улуғ жаҳоншумул-тарихий вазифа тушди. Мана шу вазифани КПСС шараф билан бажармоқда!

Иккинчидан, муваффақиятларимизни ҳам, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган проблемаларни ҳам баҳолашдаги реализм, вазминлик бизни қувонтиради. Фактлар қандай бўлса уларни шундайлигича кўриш, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг мураккаблигини, зиддиятлилигини англаш, ҳеч нарсани бўрттириб кўрсатмаслик, аммо қилинган ишларни ҳам камситмаслик — илмий асосланган сиёсатнинг зарур шартларидир.

Ниҳоят, бу ерда тиниқ-равшан жаранглаган, ижодий новаторлик мулоҳазаларни ҳам уқтирмай ўта олмайман. Чунки орттирилган тажриба, қарор топган тасаввурлар, урф-одатлар, кўникмалар баъзан ғайриодатий бўлган янгиликни тушунишга халақит беради ва бундай воқеалар тез-тез учраб ҳам туради. Аммо коммунистлар, чин коммунистларнинг табиати бошқача. Улар учун ҳаёт тажрибаси шундай бир чўққидирки, шу чўққига чиқиб олиб, кўз олдида намоён бўладиган уфқларни яхшироқ кўриш мумкин. Бундай тажриба янгиликни ҳис этиш туйғусини сийқалаштирмайди, балки ўткирлаштиради, бундай туйғусиз ҳаёт, ривожланган социализмни такомиллаштириш практикаси олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

Хуллас, партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари корпуси яхши формада, иш формасида, деб қайд этса бўлади. Бу — жуда қувончлидир. Дарвоқе, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партияда ва халқ орасида ветеранлар ҳамиша бениҳоя иззат-икромга сазовор бўлиб келганлар. Аввал бошда бу сўз «кекса солдат» маъносини билдирганини ўзларингиз биласиз. Энди эса «ветеран» тушунчаси бизда янги, инсонпарварлик маъноси билан тўлди. Чиниққан жангчинигина эмас, у билан бирга кадр ишчи, қишлоқ меҳнатчиси, хизмат кўрсатган олим, артист, муаллим, врачни, уларнинг ҳаммасини миннатдорчилик ва илтифот билан ветеранлар деб атайдилар. Улар куч-ғайратга тўлиб-тошган, юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлган кишилардир. Ватанга, партияга садоқат билан хизмат қилаётган кишилардир.

Ветеранлар — янги турмуш қуришнинг ноёб тажрибаси, бутун инсоният бойлигига бойлик қўшган тажриба соҳибларидир. Бу тажрибанинг тарихий доираси бир неча авлодларнинг зафарларини ўз ичига олади. Назаримда, ҳали яқиндагина революциядан аввалги стажга эга бўлган партия аъзолари, Ленин гвардиясининг букилмас курашчилари ветеранлар деб эъзозланар эди. Сўнгра биз учун дастлабки совет беш йилликлари даврларидаги социалистик мусобақа зарбдорлари, ташаббускорлари ветеранлар бўлиб қолишди.

Сизларнинг орангизда — Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватан ҳимоя қилиб қолинганлиги, душман тор-мор этилганлиги ва шавкатли меҳнат қилинганлиги учун бизнинг астойдил миннатдорчилигимизга сазовор бўлган кишилар ҳам бор.

Замон эса шитоб билан олға бормоқда, шу боисдан ҳозир сиз билан бизнинг замондошларимиз, қўриқ очган, дунёдаги энг катта гидроэлектр станцияларни барпо этган, космосни забт этган кишилар ҳам ветеранлар туркумига қўшиб қўйилмоқда... Шу тариқа замонлар бир-бирига пайваста бўлиб келмоқда. Ҳар бир авлоднинг зиммасига катта муштарак ишдан бир улуш тушмоқда. Коммунистик қурилиш тажрибасининг ўзигина яхлит ва ажралмасдир. Биз унинг бирон-бир қимматли заррасини бой беришга ҳаққимиз йўқ.

Ўртоқлар, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси Сизларни Марказий Комитетга таклиф этар экан, ветеранларнинг тажрибасидан қандай қилиб оқилона ва коммунизм иши учун кўп манфаатли тарзда фойдаланиш хусусида сизлар билан маслаҳатлашишни, шу ҳақда биргалашиб ўйлашиб олишни мўлжаллаган эди. Шу билан бирга, бу ерда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, гап замонамизнинг конкрет вазифаларини, кўп жиҳатдан янги ва янгича мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун кекса авлодларнинг тажрибасидан қандай қилиб фойдаланиш тўғрисида бормоқда.

Шу вазифалар ҳақида ўртоқлар гапириб ўтишди. Бу мавзуда менинг ҳам бир неча оғиз сўз айтишимга ижозат бергайсизлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари материаллари билан ҳаммаларингиз танишсизлар, албатта. Бу Пленумларнинг материаллари партия XXVI съездининг қарорларини иқтисодий қурилиш ва идеология иши эҳтиёжларига татбиқан конкретлаштириб берди.

Экономика ҳақида гапирадиган бўлсак, ишнинг моҳияти шундан иборатки, биз мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичига, ошиб бораётган имкониятлар ва ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжлар бутун хўжалик иши даражасини жиддий равишда ошириш, экономика самарадорлигини анча кўтариш, бутун жуда катта хўжалигимизни узлуксиз ишлайдиган, яхшилаб созланган механизмга айлантириш зарурлигини тақозо этаётган даврга кирдик. Партия съездларида ҳам, Марказий Комитет Пленумларида ҳам шу ҳақда гапирилган эди.

Аммо биз шу йиллар мобайнида қилинган ишларни муносиб баҳолаш билан бирга, сўнгги съездлар ўртага қўйган вазифалар ҳали унчалик тўла-тўкис бажарилмаганини тан олмаслигимиз мумкин эмас. Аввало, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш суръатлари бизни қаноатлантира олмайди. Бунинг турли сабаблари бор. Чамаси, биз янги вазифаларни ҳал этиш йўлларини унчалик зўр ғайрат билан қидирмаганлигимиз, кўпинча чалакам-чатти тадбирлар кўрганлигимиз, тўпланиб қолган инерцияни етарли равишда тез бартараф эта олмаганлигимиз ҳам панд берди.

Энди қилинмаган ишларни зудлик билан қилиб олиш керак. Бундай қилиш учун, бошқа ҳамма ишлардан ташқари, планлаштиришда, бошқаришда, хўжалик механизмида ўзгартишларни амалга ошириш зарур бўлади. Янги беш йилликка тамомила шай ҳолда кириш учун мана шундай ўзгартишларни қилишимиз лозим.

Ўртоқлар, бизнинг экономикамиздек катта миқёсдаги ва мураккабликдаги экономикада ғоят эҳтиёткор бўлиш керак, албатта. Етти ўлчаб бир кес, деган мақол шу ерда айниқса ўринлидир. Айни шу боисдан ҳам биз катта-катта қарорлар тайёрлаганимизда ҳар бир масалани жуда синчиклаб ўрганишга интиляпмиз, таклиф этилаётган янгиликлар қандай амал қилаётганини, улар план ва меҳнат интизомига, меҳнат унумдорлигига, умуман ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига қандай таъсир ўтказаётганини шошмай, осойишта ўрганиш учун кенг миқёсда экспериментлар ўтказяпмиз.

Энди идеология иши ҳақида гапирмоқчиман. Биз Пленум ўтказдик. Қарор қабул қилдик, энди асосий иш қилиниши — шу қарор бажарилиши керак. Бу гапнинг амалий маъноси нимадан иборат? Бунинг маъноси шуки, бахтга қарши, ҳали ҳам сўз билан иш ўртасида давом этиб келаётган узилишни бартараф қилиш керак. Бунинг маъноси шуки, одамлар билан жиддий равишда ошкора гаплашишни, ўткир масалаларни четлаб ўтмасликни ўрганиш керак. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир кишини ижтимоий турмушнинг онгли, албатта, онгли қатнашчисига айлантириш учун меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини мунтазам равишда ошириш керак.

Буни биргина сўзлар билан, ҳатто энг яхши, энг соз сўзлар билан ҳам бажариш мумкин эмаслиги равшан. Биз иқтисодий ишни идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳақида ҳақли равишда гапирамиз. Бироқ, идеология ишини иқтисодий жиҳатдан ёки — кенгроқ қилиб айтганда — социал жиҳатдан таъминлаш бундан кўп бўлса кўпки, оз аҳамиятга эга эмас. Чунки ҳар қандай турдаги тартибсизлик, хўжасизлик, қонунларни бузиш, юлғичлик, порахўрлик минглаб агитатор ва пропагандистларнинг ишини қадрсизлантириб қўяди.

Бинобарин, биз идеология ишини яхшилаш ҳақида гапирганимизда, кўп қиррали, комплекс вазифани ўз олдимизга қўямиз, бу вазифанинг ҳал этилиши барча соҳаларда актив ҳаракат қилишни назарда тутади. Бу гап идеологиягагина таалluқли эмас. Ҳар бир катта вазифа ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам ташкилий омилларни назарда тутадиган комплекс ёндашувни талаб этади.

Мисол учун интизом масалаларини олайлик. Онгли интизом социалистик жамиятнинг табиатига хос хусусиятдир, яхши, ҳалол ишлаш бу интизомнинг натижасидир. Айрим жойларда эса интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги даъватни ҳар бир кишининг ўз иш жойида фалон соатдан—фалон соатгача ҳозир бўлиши устидан қаттиқ маъмурий назорат дебгина талқин этдилар. Албатта, бунга ҳам кўз-қулоқ бўлиб туриш, прогулчиларни жазолаш керак. Бироқ, бошқа ҳақда ҳам ўйлаш лозим. Хўш, ҳар бир киши ўз иш жойида фалон соатдан—фалон соатгача нималар билан шуғулланади, у иш билан қандай таъминланган, у ўз топшириғини қандай уддалаяпти, унга унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилганми — мана шундай масалалар ҳақида ҳамма жойда ҳам ғамхўрлик қилинган эмас, ҳолбуки булар—ҳал қилувчи масалалардир.

Ваҳолонки, социалистик интизомнинг моҳияти ҳар бир кишининг ўз иш жойида зўр ғайрат билан ишлашидан иборат. Бунга эришиш кечиккан кишиларни йўлакда ушлаб олишдан кўра қийинроқ, албатта. Аммо бош ва асосий масала мана шундан иборат. Бу ўринда кўп нарса яхши йўлга қўйилган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишга боғлиқлиги табиий. Бироқ, бу иш меҳнатни замонавий усулда ташкил этишга, одамларни оқилона жойлаштириб қўйишга, пишиқ-пухта моддий-техникавий таъминотга, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг хилма-хил форма ва воситаларини такомиллаштиришга албатта таяниши керак. Қисқаси, ҳозиргина мен тилга олиб ўтган маънавий, моддий ва ташкилий омилларнинг уйғунлиги юксак меҳнат маданиятига олиб бориши мумкин, бу эса ишлаб чиқаришдаги тартиб ва интизомнинг энг ишончли гаровидир.

(Давоми иккинчи бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Бош секретари, КХДР президенти ўртоқ Ким Ир Сенга ва КХДР Маъмурий Кенгаши бошлиғи ўртоқ Ли Ден Окка телеграмма йўллаб, Корея япон милитаризми асоратидан озод бўлганлигининг 38 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, КХДР Марказий Халқ Комитетини, КХДР Маъмурий Кенгашини ва бутун корейс халқини муборакбод қилдилар.

Совет Армияси Маньчжурияда ва Кореяда япон қўшинлари Квантун тўдасини тор-мор этганлиги ажнабий босқинчилар корейс халқини узоқ йиллар дучор этган мустамлака зулмига хотима берди, Кореянинг шимолий қисмида янги жамият қуриш учун қулай шарт-шароит яратди.

Ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва зиёлилар узоқ вақт давомида кутилган озодликка эришиб, Корея Меҳнат партияси раҳбарлиги остида, Америка империализми агрессиясига қарши курашда ғалаба қозондилар, туб социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширдилар, социализм қурилиши учун мустаҳкам замин яратдилар.

Озодликка эришилгандан кейин ўтган вақт ичида корейс халқининг фидокорона меҳнати туфайли, Совет Иттифоқи билан ва бошқа социализм мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда Корея Халқ Демократик Республикаси саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда республика меҳнаткашлари Корея Меҳнат партияси VI съезди белгилаган иккинчи етти йиллик халқ хўжалик плани вазифаларини бажариш учун курашмоқдалар.

Совет Иттифоқидагилар қардош корейс халқини эришган муваффақиятлари билан табриклайдилар, унинг Америка қўшинларининг Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетилиши ва мамлакатни ташқаридан аралашувсиз, тинч, демократик йўл билан бирлаштириш учун шароит яратиш йўлида олиб бораётган адолатли кураши билан бирдамдирлар.

Телеграммада СССР ва КХДР, КПСС билан КМП ўртасида анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан кейин ҳам марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари негизида, халқларимиз бахт-саодати йўлида, Осиёда ва бутун дунёда империализм кирдикорларига қарши биргаликдаги кураш манфаатлари йўлида, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун, социализм ва коммунизм улуғ ишининг тантанаси йўлида ривожланаверади, деб ишонч билдирилди.

Биз озодлик кунида сизларга, КХДРнинг барча меҳнаткашларига социалистик қурилишда, муқаддас орзу—Ватанни бирлаштиришда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз, дейилади телеграммада.

* * *

Корейс халқи Япония империализми мустамлака ҳукмронлигидан озод қилинган куннинг 38 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов номига Ким Ир Сендан телеграмма олинди.

Бизнинг халқимиз, дейилади жумладан телеграммада, Совет Армияси билан биргаликда япон империалистик агрессорларини тор-мор этиб, Ватаннинг қайта тикланишига эришди ва ниҳоят янги, мустақил Кореяни барпо этишнинг кенг йўлига чиқиб олди.

Бугунги кунда халқимиз янги, суверен жамият қуришда қўлга киритган ажойиб муваффақиятлар негизида Корея Меҳнат партияси VI съезди белгилаб берган социалистик қурилишнинг истиқболли улкан вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун, Жанубий Кореядан Американинг қўшинлари олиб чиқиб кетилишига ва Корё Демократик Конфедератив Республикасини барпо этиш йўли билан ватаннинг тинч мустақил бирлаштирилишига эришиш учун актив кураш олиб бормоқда.

Партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тинчлик ва социализм иши тантанаси учун, империализмга қарши олиб борилган муштарак кураш давомида барча соҳаларда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида мустаҳкамланиб келди ва ривожланди.

Корейс халқи бундан қувонмоқда ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам иккала мамлакат — Корея билан Совет Иттифоқи халқлари ва социализм барча кучлари манфаатлари йўлида янада кенгайиб ривожланаверади, деб ишонч билдиради.

Байрам муносабати билан Сизга ва қардош совет халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди қарорларини бажариш ҳамда Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларда чин қалбдан улкан муваффақиятлар тилайман.

(ТАСС).

